

Кичик Тагобликлар “Менинг йўлим” лойиҳасидаги ташаббусларидан сўнг, яна қўшимча ташаббус кўрсатиб, жами 1,5 км.дан зиёд ички йўлларини асфальтланишига эришдилар

Жорий йилнинг апрел ойида Республика Молия Вазирлигининг “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали амалга оширилган “Менинг йўлим” лойиҳасида Ўзбекистон туманидаги Кичик Тагоб маҳалласи ички йўлларини созлаш юзасидан илгари сурилган таклиф ҳам ғолибликни қўлга киритган эди.





Лойиҳа доирасида маҳалланинг 850 метр ички йўлига асфальт ётқизилиб, равон ҳолатга келтирилди.

Бундан ўзига хос руҳланган маҳалла аҳли ташаббус ортидан янги ташаббусни қўлдан бой бермай, ўзаро кенгашиб ва бирлашиб, ҳомийлик асосида яна 700 метр кўчаларини асфальт бўлишига эришдилар.



"Менинг йўлим" лойиҳаси доирасида ғолибликни қўлга киритган яна бир ташаббус -"Фаровон келажак" МФЙнинг Тўлаш қишлоғи ички йўлларини ҳам асфальтлаш ишларига яқин кунларда киришилади.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2022-07-25 18:29:40